O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3105093

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 21-may • Payshanba • 61 (29.022) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак».

❖ Ватан ҳимоячилари давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯНГИ УЙ

Бугун ҳарбий хизмат ўзгача шакл ва мазмун касб этган. Мамлакатимиз Президенти бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мардлар касби бўлган ҳарбийликка қизиқиш тобора ортиб бораётгани ва армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун наинки конституциявий бурч, балки том маънодаги шон-шараф ишига айланаётгани, ҳарбийлик борган сари обрў-эътиборли соҳага айланиб бораётгани кишини қувонтиради.

Албатта, бу ўринда ҳарбий хизматчиларнинг бугунги мақоми, уларга кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу вазифага ҳаётини бағишлаган ҳарбий хизматчилар давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий, эътиборидадир. Уларнинг хизмат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш масалаларига тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Чирчиқда ҳарбий хизматчилар оилаларига топширилган кўп қаватли турар жой биноси бу ғамхўрликнинг яна бир тасдиғидир. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, қурилиш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Чор-атрофга мусиқа ва карнай-сурнай садолари таралмоқда. Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари юз-кўзларида шодлик. Янги қўниқўшнилар бир-бирларини қутлашган. Жажжи фарзандларини бағриларига босиб, каттароқларини етаклаб олган ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари кўп қаватли уйга ишора қилиб, болаларига: «Ана шу бизнинг уйимиз, энди шу ерда яшаймиз», дейди қувонч билан.



2-бет

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия парламенти Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Пандикар Амин Ҳожи Мулиа раҳбарлигидаги делегация 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Малайзиянинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан, — деди Тан Сри Пандикар Амин Ҳожи Мулиа. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб йўналишларда изчил тараққий этмоқда. Юртингизда қонун ижодкорлиги жабҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Бугунги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Малайзия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан ҳам музокара ўтказди.

Шунингдек, малайзиялик меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА)

«МЕНИНГ ҲОВЛИМ — МЕНИНГ ВАТАНИМ»

Наманган туманида ушбу шиор остида кўрик-танлов ўтказилди.

Танлов якунларига кўра, Хонобод маҳалла фуқаролар йиғинидан Баҳодир Боқиев, хўжакишлоқлик Озодбек Султонов ва элатанлик Раҳмонжон Мўминовлар хонадонлари ғолибликка муносиб кўрилди. Энг озода, энг обод, энг кўркам хонадонлар соҳиблари ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Худди шундай кўрик-танлов мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида ҳам ўтказилмоқда. Албатта, бу каби тадбирлар қишлоқлар ободлиги ва қишлоқликлар турмуш маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

❖ Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлигида Кармана туманида бунёд этилган «Навоий силк» қўшма корхонаси Буюк ипак йўли орқали давом этаётган алоқаларнинг замонавий кўринишидир. Ўтмишда Кармана ипаги харидоргир, бозорбоп саналган. Ана шундан бўлса керак, хорижлик ҳамкорлар инвестиция киритишда айнан қадим Карманани танлашди.

КАРМАНА ИПАГИ ХОРИЖДА

«Навоий силк» қўшма корхонасига 2005 йил бошида асос солинган эди. Ҳозирда эса қўшма корхона наинки Навоий вилоятида етиштирилган пилла ҳосилини, балки қўшни Қашқадарё вилояти туманларининг ҳам кўплаб пилла хомашёсини қайта ишлаб, ипак толага айлантириб бераяпти.

Корхонага Хитой, Вьетнам, Миср сингари хорижий мамлакатларнинг замонавий пилла ўраш, калавалаш дастгоҳлари келтириб ўрнатилгач, иш унуми икки-уч ҳиссага ортди. Ҳозир ушбу масканда 220 нафар карманалик хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Натижада ҳар йили ўртача 504-510 тонна энг сара пилла қайта ишланиб, маҳсулотнинг асосий қисми БАА, Сингапур, Малайзия сингари хорижий мамлакатларга валютага сотилаяпти.

Ўтган тўрт йил давомида «Навоий силк» республикамиздаги бақувват қўшма корхоналар қаторига чиқиб олди. Ташкилий даврдан буён бу ерда 2 минг тоннадан зиёд қуруқ пилла жаҳон стандартлари даражасида сифатли калаваланиб, шоҳи ипакка айлантирилди.

Хуллас, карманалинг шоҳи ипаги бугун чет элликлар кўзини қамаштираётгани рост. Эрта-индин унинг довруғи Европага ҳам етиб бориши шубҳасиздир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

✓ ЎзХДП ҳаёти

партия мафкуравий ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади

Глобаллашув шароити жамиятнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, электорат билан ишлайдиган партия фаоллари, тарғиботчи-ташвиқотчилардан мамлакатимиз ва унинг атрофида, халқаро майдонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнларидан хабардор бўлиб бориш, уларга зийрак нигоҳ билан қарашликни талаб этади. Ахборот-ресурс марказларининг эса бу жараёнда ўрни катта.

ЎзХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган партия ташкилотлари мафкуравий ишларда ахборот-ресурс марказларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренингда ушбу фикрлар алоҳида таъкидланди. Тадбирда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, партия Тошкент шаҳар ва унинг таркибидаги туман кенгашлари раислари, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда ушбу марказларнинг сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувларини ташкил этишда нималарга кўпроқ аҳамият бериш зарурлиги, партия фаоллари, депутатлар ҳамда электорат вакилларини тезкор ахборот ва маълумот билан таъминлашдаги вазифалари хусусида фикр юритилди.

— Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, ЎзХДП МК Ижроия Қўмитаси Ҳайъати барча даражадаги партия кенгашларида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон республика, барча вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ана шундай марказлар ташкил этилди. Марказий Кенгашда тузилган Ахборот-услубият маркази ва унинг қошидаги жамоатчилик кенгаши уларга кўмак бериб,

фаолиятини мувофиқлаштирмоқда.

Марказий Кенгаш ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Бундан мақсад, улардаги моддий-техника воситалари, фаоллар, тажрибали тарғиботчилар, услубчилар ёрдами билан мафкуравий ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини оширишдир. Шунинг учун АРМга сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги семинарлар иштирокчиларига услубий кўмак бериш, партия сайланма органлари аъзолари, депутатлар, қолаверса, аҳоли қатламларини ижтимоий-сиёсий адабиётлар, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари билан таништириб, мунтазам хабардор этиб бориш вазифалари юклатилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-услубий бўлими мудири Абатбой Қиличбоев ахборот-ресурс марказларининг аҳоли маданиятини юксалтириш, ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, миллий-маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ўрни ҳақида сўз юритди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 14 та Ахборот-кутубхона ва мингдан ортиқ ахборот-ресурс марказлари билан Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузуридаги шундай тузилмаларнинг амалий ҳамкорлиги яхши самара бериши шубҳасиз.

Семинарнинг амалий машғулот тарзида ташкиллаштирилган иккинчи қисми баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Бундай семинар-тренинглар партиянинг барча минтақавий кенгашларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
Муборак ЁҚУБОВА.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

• НИҚОБЛИ ФИРИБГАРЛАР

ёки Осло шаҳридаги сиёсий қочоқлар лагерига тушиб қолган фуқаролар ҳақида

2-бет

Шри-Ланка:

• 26 ЙИЛЛИК ФУҚАРОЛАР УРУШИ

ниҳоят барҳам топди

3-бет

Машҳурлар маҳалласи

• ЮРТИМ МАДҲИ БЎЛСИН СЎНГГИ САТРИМ ҲАМ...

4-бет

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯНГИ УЙ

Янги уйнинг калитлари тантанали равишда ўз эгаларига топширилди. Сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликларга муносиб бўлишларини таъкидлашди.

— Оиланг ва яқинларингдан кўнглинг хотиржам бўлса, хизматингда унум бўлади. Зиммангдаги вазифангни шараф билан уддалайсан, — дейди янги уй соҳибларидан бири офицер Улуғбек Раҳимов. — Мана, оиламиз билан янги хонадонга эга бўлдик. Бу албатта, биз учун жуда қувончли воқеа.

— Ўз уйимизга эга бўлганимиздан хурсандмиз, — дейди офицер Абдурашид Эргашевнинг турмуш ўртоғи Раъно Эргашева қувонч билан. — Айниқса, уйнинг шинамлиги, ошхона жиҳозлари, маиший воситаларнинг бадастир ўрнатилгани ғоят манзур бўлмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳар бир аёл кишининг орзуси шинамгина, ажойиб чиройли уйда оила аъзолари, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан тинч яшашдир, — деди Нозима Қосимова. — Биз ҳарбийлар оиласи учун яратилган бундай қулай шарт-шароитлардан миннатдормиз. Барча топширилган уйлар замонавий талаблар асосида жиҳозланган, ҳамма қулайликларга эга.

Мамлакатимиздаги лойиҳалаш институтлари ва шу йўналишда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўртасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзоларига мўлжалланган замонавий, кўркам иморатларнинг макетларини яратиш бўйича танлов ўтказилиб, энг муносиб ишлар саралаб олинган эди. 2007-2015 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг уй-жой фондини тўлдириш дастури доирасидаги ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида яна беш мингта ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланиши кўзда тутилган.

Ёшин ҲАКИМОВ
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган суратлар.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА САВДО

19-20 май кунлари Фарғонада «Агроминитехэкспо — 2009» халқаро ихтисослашган агросаноат кичик технологиялар ва ускуналар минтақавий кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.

Уни Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорликда ташкил этди.

— Йигирмага яқин мамлакатнинг элликта компаниясини Фарғонага таклиф этдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Акмал Камолов. — Кўргазмада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, техника ва технологиялари савдога қўйилган.

Икки кун давомида Фарғона вилоятининг барча туманларидан фермерлар, тадбиркорлар, агрофирма вакиллари келиб, ўзларига зарур замонавий кичик технологиялар сотиб олишди. Улар учун кўргазма савдо доирасида семинар-тренинг, маслаҳатхоналар ишлаб турди. Шартномалар республика тижорат банкларининг кредитлари ва лизинг компанияларининг иштирокида тузилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ер, ерости бойликлари, авлод-аждодларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ

ёки мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтираётган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти фаолияти ҳақида

«Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти мутахассислари конларда замонавий геофизика усулларини татбиқ қилиш ҳисобига мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика базаси асосини ташкил этувчи 200 дан зиёд нефть ва газ конлари очишга эришдилар. Улар орасида Кўкдумалоқ, Шўртан, Алан, Култак, Қандим, Денгизкўл, Зеварди ва бошқа қатор йирик конлар бор. Сўнгги беш йил ичида бажарилган геологик қидирув ишлари ҳажми тўрт баробарга ортиб, ўтган 2008 йил якунлари бўйича 78,2 миллиард сўмни ташкил этди. Худди шунингдек, чет эл компаниялари буюртмалари асосида амалга оширилган ишлар ҳажми ҳам йил сайин ўсиб, бугунги кунда умумий бажарилган геологияқидирув ишларида уларнинг улуши 26 фоизни ташкил этаётир. Биргина 2003 йилда хорижий сармоядорлар ҳисобидан 83,6 миллион сўмлик қидирув-чамалаш ишлари олиб борилган бўлса, 2008 йилга келиб бу рақам 20,5 миллиард сўмдан ошди.

Сўнгги йилларда тадқиқотчиларимиз томонидан геофизик усуллар ёрдамида нефть ва газ конларини тўғридан-тўғри аниқлашнинг энг мақбул йўллари излаб топила бошландики, бу нефть-газ ресурслари мавжуд конлар чегараларини белгилаш, бурғулашга тайёрланаётган объектлар қувватини баҳолаш каби қатор масалаларни ижобий ҳал этиш имконини берди. Ўзбек геофизиклари Марказий Осиё ва МДҲ давлатларидаги мавжуд геофизика корхоналари орасида биринчилардан бўлиб сейсморазведканинг илғор усулларини қўллашни бошладилар. Бунинг натижаси ўлароқ, улар ўтган йиллар мобайнида 156 та янги истиқболли тузилмаларни аниқладилар ва уларни бурғулаш учун тайёрладилар.

Бугунги кунга келиб, мазкур усуллар ёрдамида муваффақият коэффиценти юқори бўлган 33 та машҳур конлар, 60 дан зиёд истиқболли нефть ва газ майдонлари аниқланди. Мазкур объектларда 16 та нефть-газ конлари кашф этилди, еттитасида углеводород конлари очилди.

Чунончи, мамлакатимиздаги мавжуд конларда портлатишсиз сейсмик қидирувни қўллаш, геофизик ишлар мажмуасини кенгайтириш каби юмушлар республикамизнинг нефть ва газга бой истиқболли минтақаларида қидирув ишларининг стратегик йўналишини белгилаб берди. Натижада жуда чуқурликдаги «гетероген» пойдеворлар сатҳи тўғрисида янги қимматбаҳо маълумотлар тўплами ҳам қўлга киритилди. Юра даврига ча бўлган оралиқ структура қаватига кирувчи деб номланаётган тузилмаларда нефть ва газ ҳосил бўлишининг кенгликлари аниқлаштирилди. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар эса улкан пирамидасимон қоялар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу маълумотлар келгусида чуқур ер остида ҳам нефть ва газ бойликларини қидириш ишларини янада кенгайтиришда янги имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Шўртан, Кўкдумалоқ, Алан, Помуқ, Култак, Жанубий Кемачи ва бошқа ўнлаб йирик нефть ва газ конларининг аниқланиши ва очилишида, Фарғона водийсида Мингбулоқ, Ҳисор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий ёнбағрида Жанубий Тандирча, Гумбулоқ, Сурхондарё чўкмасидаги Бойсун ҳавзасида, Гажак, Шарқий Туркманистонда топилган бир қатор нефть ва газ конлари излаб топилишида ҳам геофизикларимизнинг ҳиссаси катта.

Мустақиллик йилларида тадқиқотчилар томонидан 72 та нефть ва газга бой истиқболли конлар очилди. Жумладан, Бухоро-Хива регионида 50 та, Жанубий-ғарбий Ҳисор регионида 9 та, Фарғона регионида 2 та. Устюрт регионида 11 та, Сурхондарё регионида 1 та истиқболли конлар аниқланди. Айниқса, 2000 йилдан бошлаб Фарғона водийсида кенг миқёсда сейсмик қидирув ишларига киришилди. Бу тадқиқотлар Бухоро-Хива минтақасидаги Бешкерт эгилмасини ҳамда Жанубий Оролбўйини ҳам ўз ичига олади.

— «Ўзбекгеофизика» очиқ акциядорлик жамияти — мамлакатимизда нефть ва газ конларини қидириб топиш ва уларда турли геофизик юмушларни олиб бориш билан шуғулланадиган корхона, — дейди жамият раҳбари Тошпўлат Бобожонов. — Республикамиз бўйича Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида геофизик экспедицияларимиз бор. У ерда 4000 га яқин киши меҳнат қилади.

Геофизика — бу илм. Ўзбекистондаги барча нефть ва газ манбаларининг илк қидирув ишларидан тортиб, кон сифатида экспедицияга топширилгунига қадар бўлган жараёнларда иштирокимиз борлиги бизга улкан масъулият юклайди. Дастлабки қадамни биз қўямиз. Ҳар қандай ҳудудга жамиятимиз тадқиқотчилари бориб, кон бор деб тахмин қилинаётган майдонларни аниқлаб беради. Таклифларимиз бўйича у ерда бурғулаш ишлари бошланади. Бурғуланаётган «скважина» ичидаги барча текшириш ишларига ҳам биз масъулмиз. Ернинг қандай сатҳлари бурғуланади, скважинанинг техник аҳволи қандай, чуқурлиги ва тиклиги қанча, тушиш бурчаги қийшайиб кетмадими, қудуқнинг томонлари қандай аҳволда, унинг ҳарорати, босими талаб даражасидами, ернинг қайси қаватлари тешиб ўтилди, деган қатор саволларга жавоб излаймиз. Бундан ташқари, қазилма (нефть-газ) бойликларнинг қайси жойдан чиқиши мумкинлигини мўлжаллаб, нима чиқишига қизиқамиз. Мўлжалимизнинг барчаси ҳам юз фоиз амалга ошмаслиги мумкин. Аниқ мўлжал эса геофизиканинг параметрларига қараб олинади ва лойиҳа тузилади. Дунё бўйича геофизика фанидаги эҳтимолликнинг (мўлжалнинг) 30 фоизи тўғри чиқса, режалаштирилган ишларни амалга ошириш мумкин деб ҳисобланади. Бизда эса бу кўрсаткич 35-40 фоизни ташкил қилади. Мўлжал олинганда ер остининг чуқурлиги, унинг геофизик ҳолатига диққат-эътибор қаратиш лозим. Ер кўп сатҳли, тупроғи мураккаб ва тушиш бурчаги 20-30 даражадан ошадиган бўлса, бу анча қийин кечади.

— Лойиҳаларнинг тўғри чиққан қисмлари кўп — сўзида давом этади Тошпўлат ака — Ўзбекистондаги конларнинг 95 фоизи геофизик усуллар ёрдамида очилган. Кейинги йилларда эса бу кўрсаткич бундан ҳам ошиб бораётир. Масалан, Шўртан, Кўкдумалоқ, Зеварди, Чақмоқли, Денгизкўл — Хаузак — Чади, Қандим, Ўртабулоқ, Алан, Помуқ, Култек, Шимолий Қамачи, Тандирчи, Гажак ва бошқа кўплаб ҳудудларда нефть конлари қидириб топилди.

Сўнгги йилларда геофизика қидирув ишларининг ҳажми янада ортиб бормоқда. Боиси, ернинг юза қисмига яқин, яъни унча чуқур бўлмаган конларнинг деярли барчаси очиб бўлинди. Шу боис, эндиликда конни чуқур жойдан излаш керак бўлади. Чуқурликдан излаш қимматга тушишидан ташқари анча кўп вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам геофизика усулларини қўллаб, иш ҳажмини кўпайтириш йўлларини ўйлаяпмиз. Ваҳоланки, Ўзбекистондаги энг чуқур скважина 6311 метрни ташкил қилади.

— Нефтнинг ҳам навлари бўладими?

— Албатта, бор. Масалан, Сурхондарё ҳудудидан чиқадиган нефть оғир, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида эса нисбатан анча енгил нефть чиқади. Енгил нефть деяётганим уларнинг конденсацияси билан боғлиқ. Конденсат — газ билан нефть орасидаги модда бўлиб, энг енгили газдир. Модданинг таркиби қанчалик енгил бўлса, қазиб олиниши ҳам шунча осон кечади.

Ҳа, айтганча, геофизикларимиз томонидан яратилган ва тузилган ер қобиғининг янги модели ҳамда структура — тектоник харитаси ҳаттоки дунёнинг манаман деган кўпгина таниқли олимлари диққатини ҳам ўзига тортиб келмоқда. Чунки, бу модель Марказий Осиё замини ҳақида шу пайтгача мавжуд бўлиб келган тасаввурларни бутунлай ўзгартириб, бу ҳақда кенгроқ ва муфассал фикрлар беради. Энг асосийси, юқоридаги модел ва харита ҳанузгача турли фойдали қизилмаларни излаш йўлини белгилашда, биринчи навбатда углеводород конларини излаб топишда асқотиб келмоқда. Бундан ташқари, соҳада нефть-газ геологиясининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда, тажрибалар ўтказилмоқда, илмий ва ўқув муассасалари билан шартномалар тузилмоқда. Кейинги йилларда турли соҳаларда алоқаларнинг кенгайтирилиши юксак самара бераётир. Россия, Германия, Франция, Буюк Британия каби қатор давлатларнинг нуфузли делегациялари билан қатор учрашувлар ўтказилди. Худди шунингдек, Россиянинг «Лукойл», «Саратовгеофизика», «ТНГ-Групп», «Петро Альянс Сервис компани лимитед» сингари йирик компаниялари, Эрон ва Чехия сингари давлатларнинг ишбилармон доиралари билан нефть ва газ конларини излаб топиш борасида ҳамкорлик қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун барқарор ривожланиш йўлидан бораётган «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Огоҳлик — давр талаби

НИҚОБЛИ ФИРИБГАРЛАР

ёки Осло шаҳридаги сиёсий қочоқлар лагерига тушиб қолган фуқаролар ҳақида

Инсоният олдида ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб муаммолардан бири — одам савдоси ва у билан боғлиқ трансмиллий уюшган жиноятчиликдир. Ҳозирда бутун дунёда авж олиб бораётган ҳамда тобора кўпроқ қурбонлар берилаётган, аллақачонлар «қора бизнес»нинг энг сердаромад турига айланиб улгурган ушбу жиноий ҳаракат инсоннинг узвий ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қиладиган, унинг қадр-қимматини камситадиган ваҳшиёна қилмиш эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаётда тез-тез чет элга ўқишга, ишга таклиф этилган ва шу орқали фирибгарлар домига тушиб, алданиб қолган минглаб кишиларни учратиб турамиз. Масалани атрофлича таҳлил қиладиган бўлсак, жабр кўрганларнинг кўпчилиги таклиф этилган сохта иш ва ўқишларни тўла суриштирмасдан, ҳаётий тажрибаси камлиги туфайли ёки кўпни кўрган ёши улуғ инсонлар билан маслаҳатлашмасдан кўр-кўрона ҳаракатлари оқибатида алданиб қолганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳар йили тўрт миллионга яқин кишини ўз домига тортиб, йилига 12 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтираётган, дунёда наркобизнес ва қурол савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турган одам трафиги ўз миқёси ва даромади бўйича биринчи ўринга чиқиб олиши ҳақидаги башоратлар бежиз таъкидланмаётир.

Баъзи бир мутахассисларнинг аниқлашларича, ушбу «бозор»нинг умумий айланма даромади 19 миллиард долларни ташкил этади. Кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг мазкур тури ҳам террорчилик ва диний экстремизм каби давлат чегараларини тан олмайди. Шу боис бу муаммо халқаро форум ва учрашувларнинг, қонун чиқарувчиларнинг диққат марказидаги асосий масалага айланган. Экспертларнинг фикрича, «совуқ уруш»нинг барҳам топиши, Шарқий лагернинг қулаши, унинг ортидан ижтимоий тараққиёт моделининг ўзгариши, жамиятда маънавий таназзулнинг кучайиши ҳам одам савдосининг ривожланишига сабаб бўлган.

Насуллаева Лолахон Фатхуллаевна, 1961 йилда Бухоро вилоятида туғилган, оилали, 2 нафар фарзанднинг онаси.

Камолова Замира Гениятовна, 1952 йил Тошкент шаҳрида туғилган, «Экзо-Тур» МЧЖ директори, 2 нафар фарзанднинг онаси.

Федотова Рима Ахатовна, 1945 йил Тошкент шаҳрида туғилган, пенсионер.

Эрамизгача бўлган даврда пайдо бўлган қул савдосининг замонавий кўриниши бизга тарих дарслари орқали таниш манзарадан бироз фарқ қилади. Қадимда одамлар оғир меҳнат учун сотилган бўлсалар, бугун асосан аёллар ва ёш болалар энг жирканч мақсадлар йўлида фойдаланиш учун курбонларга айланмоқдалар. Одам трафигининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг курбонлари хўрланадилар, уларнинг эркин ҳаракатланиши ва ихтиёрий меҳнат фаолиятини танлаши чекланади. Таъкидлаш жоиз: одам савдоси муаммоси бевосита ноқонуний муҳожирлик билан ҳам боғлиқ. Белгиланган мамлакатга берухсат келган муҳожир ҳуқуқи топталса-да, табиийки, депортацияга учрашдан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат эта олмайди. Бу эса бир жиноят ортидан иккинчиси содир этилади, деганидир. Чегара билмас ушбу глобал муаммодан бизнинг фуқароларимиз ҳам жабр кўраётганлари сир эмас.

Зеро, кейинги пайтларда башанг кийинган, ўз қилмишларини «бизнесмен» ниқоби остида амалга оширадиган кимсалар домига илиниб қолсанг хориждаги даромадли иш, қисқа вақтда каттагина бойлик эгасига айланиш мумкинлиги хусусида сўз очади. Мўмай пулни ҳаёлига келтирган, ҳаётий тажрибаси бўлмаган содда кишилар кўпинча ҳушёрликни йўқотиб, бундай фирибгарлар тузоғига илинади.

Хусусан, яқинда юртдошларимизнинг 20 нафарга яқини фирибгарлар — Лолахон Насуллаева, «Экзо-Тур» масъулияти чекланган жамият раҳбари Замира Камолова ва Рима Федотоваларнинг қармоғига илинган. Фирибгарлар алдовга учраган кишиларни иш билан таъминлай олмаслигини била туриб, Норвегияга жўнатишни ваъда қилганлар ва 20 нафар фуқаронинг ҳар биридан ўртача 7 минг доллардан хизмат ҳақи олганлар.

Жабрланувчилардан бири Сирожиддин Ҳамроевнинг айтишича, улар Осло шаҳридаги қочоқлар лагерига топширилганларидан сўнг алдангани-ликларини англашган. Энг ёмони, фирибгарлар Ўзбекистон шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътиборини ўйлаб ўтирмай жабрланувчиларга қочоқлар лагерига кирганидан кейин Ўзбекистондаги аҳволдан шикоят қилиш, мамлакатда сиёсий босим кучли эканлиги, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қиммати оёқости қилинаётганлиги ҳақида сафсата сотишни маслаҳат берганлар.

— ***Қачонки Ватанингни ёмонотлиққа чиқарсанг, танқид қилсанггина иш билан таъминлашади, аксинча қочоқлар лагерида олти ойдан ортиқ вақт қололмайсан. Кеч бўлса-да алдганимизни тушуниб, танишларимиздан қарз-қавола қилиб ортга қайтдик,*** — дейди жабрланувчи Сирожиддин Ҳамроев.

Тўғри, фирибгарларнинг фуқароларни алдаб, ишонтириб келган чўпчаклари фош этилиб, керакли жазо ҳам белгиланди. Аммо уларнинг тузоғига илиниб ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрган юртдошларимизни ҳам оқлаб бўлмайди. Машаққатли меҳнат, пешона тери билан топилган катта миқдордаги пулни хусусий бизнесга сарфлаб, Ўзбекистонда ҳам мўмай даромад топса бўлади. Ахир, юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонликни ривожлантириш учун қанчадан-қанча имтиёзлар яратилмоқда.

Эътибор беринг, жабрланувчиларнинг қочоқлар лагери хусусидаги гапларидан демократия ниқоби билан қуролланган давлатларнинг асл ниятлари Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган, муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамият касб этган Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида эришган ютуқларини йўққа чиқариш, бу ердаги барқарорликдан манфаатдор эмасликларини намойиш этишдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув даврида дунёда кескин ғоявий курашлар ва турли мафкуралар тўқнашуви, «демократия» шиорлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш кучайиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз. Ўзга давлатлар фуқароларини қабул қилиб, улар учун махсус лагерлар ташкил этган, инсон ҳуқуқлари, демократия шиорлари билан уларни алдаб, бошқаларга гиж-гижлаб ўз давлатига қарши қўяётганлар ўзининг мустақил йўлига эга бўлган давлатлар аҳолисининг миллий қиёфасини бузиш, миллий ифтихор ва ўзликни англашдан махрум этишдан тап тортмасликлари тобора аёқ бўлиб бораяпти.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз шарқона тарбия кўрганмиз, ўз одатларимиз, анъаналаримиз, бетакрор инсоний табиатимиз мавжуд. Агар ҳушёр ва огоҳ бўлсак, ҳаётимизга ташқаридан туриб аралашгани билан ҳеч ким ғаразли мақсадларига етолмайди.

Соҳибжон НАЗАРОВ,
«Region.uz».

✸ Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбари аҳолини, айниқса, қишлоқ ва овуллар аҳлини ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва овул аҳолисини марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминлаш масаласи бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

«МАҚСАДИМИЗ – АҲОЛИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ...»

дейди соҳа мутахассиси Рўзимбой СЕЙТОВ

Ўтган 2008 йилда қишлоқ ва овул аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш, бу борадаги ишларни яхшилаш учун қатор амалий ишлар қилинди. Инвестиция дастури бўйича республика бюджети маблағлари ҳисобидан 18 та аҳоли яшаётган пунктларда умумий узунлиги 95 километрлик сув тармоқлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

«Қорақалпоқаулхожаликсувтармоқлари» трести томонидан 9 та аҳоли пунктларида узунлиги 13 километрлик сув тармоқлари таъмирланди ва қайта тикланди. Шунинг натижасида 4511 нафар аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиши яхшиланди.

Қишлоқ ва овулларда артезиан қудуқлари қазиш, қўл насосларини ўрнатиш ишлари олиб борилди. Чорва молларини суғориш мақсадида чуқурлиги 300-500 метрлик тўртта артезиан қудуқлари қазилди. Шу билан бирга, 261 дона қўл насослари қурилиб, маҳаллий қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари ихтиёрига топширилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банки томонидан ажратилган кредит ҳисобидан NDU шартнома асосида республикада янги қудуқлар қазилиб, 10 та сув тозаловчи станциялар қурилиб ишга туширилди. Шундан Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Хўжайли туманларидаги «Эркиндарё», «Обод», «Жалпак жап», «Қусканатау», «Майжап», «Тазажол», «Қораўзак», «Маданият», «Қорабуға», «Саришунгил» овул фуқаролари йиғинлари ҳудудларидаги аҳоли яшаётган пунктларида сув тозалаш станциялари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2244 нафар аҳоли ичимлик суви билан тўла таъминланди.

— 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун режалар ишлаб чиққанмиз, — дейди «Қорақалпоқаулхожаликсувтармоқлари» трести бошқарувчиси Рўзимбой Сейтов. — Биринчи навбатда, дастур бўйича умумий узунлиги 211,4 километрлик сув тармоқларини қуриш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириб, 95 та қишлоқ ва овулларда яшаётган аҳолини ичимлик сув билан таъминлаймиз. Республика бюджети ҳисобидан 21 та аҳоли пунктларида 48,3 километр, Осиё Тараққиёти банки кредити ҳисобидан 17 қишлоқ ва овулда 75,6 километр сув тармоқлари қурилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ узунлиги 30,9 километрлик қайта тиклаш ишларини амалга ошириш ҳамда туманлардаги идоралар ва корхоналар ҳисобидан 32 та овулда узунлиги 57 километрлик сув тармоқларини қуриш режалаштирилган. Айни пайтда қурилиш ва қайта тиклаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Раймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✸ Анжуман

КУН ТАРТИБИДА:

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ МАВЗУСИ

Шаҳрисабзда «Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари» мавзуида конференция бўлиб ўтди

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган анжуманда вилоят ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов конференцияни очаркан, матбуот олдида турган бугунги долзарб вазифаларга кенг тўхталди.

Мамлакатимиз аҳолисининг тенг ярмидан кўпроғини ташкил этаётган ёшларимиз нималарни орзу қиладилар? Ҳар қандай давлатнинг таянчи, эртаси бўлган ёшлар сиёсати қай тарзда амалга оширилмоқда? Жаҳонда кечаётган молиявий танглик мамлакатимиз иқтисодиёти, жумладан, қишлоқ ёшларига яратилиши кўзда тутилаётган режаларга салбий таъсир кўрсатмайдими? Ана шундай муҳим масалалар конференциянинг асосий мавзуси бўлди.

Мамлакатимизда ўтган йили «Ёшлар йили» Давлат Дастурини амалга ошириш учун барча манбалардан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Режадаги 661 минг ўрнига 900 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. 2009 йилнинг биринчи чорагида 208 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани ўтказилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги, уларнинг моддий асослари етарли эканлигидан далолат бериб турибди. Булар ҳақида фикр юритар экан, Қашқадарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайниев вилоятда бюджетнинг 70 фоизи ижтимоий масалаларга, ёшларга шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилаётганига иштирокчилар эътиборини қаратди. Агар ўтган йили 115 минг янги ишчи ўрни яратилган бўлса, бу йил бу рақам янада ошади. Ёшлар учун уйжой қуриш изчил давом эттирилмоқда. Шунингдек, қишлоқларнинг бош режасини тузиш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улушини кичик давом эттирилмоқда 35 фоиздан 50 фоизга етказиш, қишлоқлардаги ҳар бир оила имкониятларини ўрганиш, томорқа ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш каби масалалар аниқ мисоллар билан таҳлил қилинди.

Конференциядан сўнг ўтказилган семинар-тренингда мамлакатимизда қишлоқ ёшларининг ҳаёти, орзу умидлари, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш бўйича матбуот олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Шарҳ

Шри-Ланка:

26 ЙИЛЛИК ФУҚАРОЛАР УРУШИ

ниҳоят барҳам топди

Куни кеча Шри-Ланка президенти Махинда Ражапакса парламент вакиллари олдида сўзга чиқиб, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи устидан тўлиқ ғалабага эришилганлиги ва мамлакатда 1983 йилдан бери давом этиб келаётган фуқаролар урушига ниҳоят чек қўйилганлиги ҳақида расмий баёнот берди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари бу тўғрида хабарлар чоп этди.

Шу ўринда Шри-Ланкада 26 йилдан бери давом этган ички зиддиятлар, ҳокимият тарафдорлари билан айирмачи гуруҳ ўртасидаги ўзаро урушлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Аввало шуни айтиш керакки, бу кураштан асосан Шри-Ланка халқи кўп жабр кўрди, тинчини йўқотди, барқарорликни бой берди. Мамлакат президенти айтганидек, бу кураш кўпчиликни ташкил этувчи сингаллар томонидан озчиликни ташкил қилувчи тамил халқига қарши олиб борилмади, балки ҳукумат қўшинлари «салб юриши» «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳига қарши қаратилди. Аммо уруш қурбонсиз бўлмайди, деганларидек, узоқ давом этган бу қарама-қаршилик 70 мингдан ортиқ қишининг умрига зомин бўлди, неча-неча оилаларни азоб-уқубатлар гирдобида қолдирди, мамлакат иқтисодиёти эса изидан чиқди.

Шу ўринда, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» қандай ташкилот, деган саволга ойдинлик киритиб кетсак. У айирмачилик кайфиятидаги, экстремистик ташкилотдир. Ўтган асрнинг 70-йилларида (аниқ санаси маълум эмас) Веллупилаи Прабхакаран (1954 йили Шри-Ланка шимолида туғилган) томонидан тузилган.

Дастлаб ташкилот тинчлик мақсадларини кўзлаган. Аммо 1983 йилдан эса кўпчиликни ташкил этувчи сингалларга қарши кескин кураш бошлайди ва мамлакат шимоли ҳамда шарқида мустақил Тамил давлатини қуриш талабини ўртага ташлайди. Шундан сўнг бу гуруҳ аъзолари террорчилик ҳаракатларини кучайтириб юборади.

Жумладан, 1991 йили расмий Деҳли қўзғолончиларга қарши кураштда ҳукуматга ёрдам бериш мақсадида ўз тинчлик кучларини Шри-Ланкага жўнатгани учун Ҳиндистон бош вазири Ражив Ганди тамил-террорчи-камикадзе томонидан ўлдирилади. 1993 йили гуруҳнинг яна бир камикадзе-аъзоси Шри-Ланка президенти Ранасинҳ Премадаснинг жонига қасд қилади.

2002 йили Шри-Ланка ҳукумати билан айирмачи гуруҳ ўртасида тинчлик келишуви битими имзоланади. Бироқ 2005 йил июнга келиб, муносабатлар яна кескинлашади. Ҳинд океанида «қутурган» цунамининг Шри-Ланкага етказган зарари оқибатларини бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамияти томонидан жўнатилган халқаро инсонпарварлик ёрдамларини тақсимлаш борасида юзага келган келишмовчиликлар бунга сабаб бўлди.

2005 йил августда келиб чиқиши тамиллардан бўлган Шри-Ланка ташқи ишлар вазири Лакшман Кадиргамар мустақил Тамил давлати тузилишига қарши маъруза қилгани учун айирмачи гуруҳнинг яна бир камикадзеси томонидан ўлдирилади.

2005 йил декабрдан эса айирмачилар бир қанча давомли террорларни амалга ошириб, кенг миқёсли босқинчилик ҳаракатларини бошлайди.

2006 йил февралда Швейцария воситачилигида айнан шу мамлакатда Шри-Ланка ҳукумати билан айирмачиларни муросага келтириш учун икки томон вакиллари иштирокида музокара олиб борилади, аммо бу самарасиз якунланади. Июнда эса Норвегия воситачилигида бошланган бундай саъй-ҳаракат ҳам натижа бермади. Бир ойдан сўнг айирмачилар орол шарқидаги сув омбори тўғони дарвозасини беркитиб қўйиши ва уни очишга йўл бермаслиги оқибатида 60 минг аҳоли сувсиз қолади. Шундан сўнг ҳукумат айирмачиларга қарши кенг миқёсли кураш бошлайди.

Бу ҳарбий ҳаракатлар давомида шу нарса аниқландики, «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи тасарруфида сувости кемаси, аэродромлар, камикадзелар тайёрлаш базаси, ерости бункерлари, катер ва ўқ-аслаҳа тайёрлаш устахоналари бор экан. Хориждаги тамилларга мансуб кишилар эса уларни маблағ билан таъминлаб турган.

Айирмачи гуруҳ 10 мингдан ортиқ аъзога эга эди. Улар мамлакат ҳудудининг учдан бир қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатганди.

Ҳукумат қўшинининг кескин кураши натижасида бу ҳудудлар қисқариб борди ва охир оқибат 1,5 квадрат километрлик ҳудудда армия уларни қуршовга олиб, йўқ қилди.

Шуни эслатиш лозимки, Ҳиндистон суди 1991 йили Ражив Ганди ўлимидан сўнг айирмачи гуруҳ раҳбарини сиртдан ўлим жазосига ҳукм этган. Интерпол эса уни террор, қотиллик ва жиноий гуруҳ тузганликда айблаб, қидирув эълон қилган. 1996 йили Коломбодаги Марказий банкда портлаш содир этгани учун (90 киши қурбон бўлган, 1,4 минг киши турли даражада тан жароҳати олган) Шри-Ланка суди уни сиртдан 200 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Қисқаси, айирмачилар тўдаси Шри-Ланка ҳукумати қўшини томонидан батамом тор-мор қилинди. Унинг раҳбари эса ўлдирилганлиги ҳақида Ахборот департаменти ва Мудофаа вазирлиги хабар тарқатди.

ОАВ маълумотларига қараганда, мамлакат пойтахти Коломбода уруш тугагани муносабати билан одамлар қўлларида байроқчалар кўтариб, кўчаларга чиқдилар ва бу кун катта шодиёнага айланиб кетди.

Алимбек ТОШБЕК

✸ Божхона янгиликлари

Кунлар исиган сари аҳолининг совутгичларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Бундан фойдаланиб мўмай даромад орттириш илинжидаги айрим кимсалар эса музлатгичларни ноқонуний равишда юртимизга олиб киришга уринадилар.

МУЗЛАТГИЧЛАР «МУЗЛАДИ»

Яқинда божхоначилар Тошкент вилоятида катта миқдордаги совутгичларнинг яширинча олиб ўтилишига чек қўйди. Давлат рақами 11 U 7698 бўлган "Газ 3302" русумли юк автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унга 25 дона "ДЭУ" русумли совутгичлар юкланганлиги маълум бўлди. Ҳайдовчи Ш.Йўлдошев қиймати 8 миллион сўмлик ушбу маиший техникаларга тегишли бironта ҳам ҳужжатни божхоначиларга кўрсата олмади. Ҳайдовчининг сўзларига кўра, юк эгалари йўлга ўзимиз жавоб берамиз деб машинани то божхона постигача орқадан кузатиб келган. Аммо дўппи тор келганда эса жуфтакни ростлаб қолишган.

"МТЗ-80" русумли тиркамали трактор Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги айланма йўлларда бежиз "адашиб" юрмаган экан. Ушбу транспорт воситаси божхоначилар томонидан тўхтатилиб, назоратдан ўтказилганда унда тегишли ҳужжатлари бўлмаган 27 дона музлатгич, 118 дона вентилятор ва бошқа турдаги маиший техникалар ортилгани аниқланди. Шундай қилиб қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган ушбу маиший техникаларни юртимизга яширинча олиб киришга уринган фуқаро Омаджон Раҳимовнинг омади юришмади.

Жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомида божхоначилар томонидан 12 мингга яқин ҳолатда қарийб 14 миллиард сўмлик турли товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Агарда сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификатлари ёки маҳсулотнинг яроқлилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмай туриб савдо фаолияти юритаётган ёки бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, бу борада Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий солиқ идораларининг қуйидаги ишонч телефонларига хабар беринг:

Давлат солиқ қўмитаси	8-371 244-98-98
Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ	8-361 222-00-33
Андижон вилоят ДСБ	8-374 222-14-77
Бухоро вилоят ДСБ	8-365 223-16-89
Жиззах вилоят ДСБ	8-372 226-23-23
Қашқадарё вилоят ДСБ	8-375 225-10-82
Навоий вилоят ДСБ	8-436 0-62
Наманган вилоят ДСБ	8-369 226-81-86
Самарқанд вилоят ДСБ	8-366 234-06-16
Сирдарё вилоят ДСБ	8-367 225-11-20
Сурхондарё вилоят ДСБ	8-376 223-29-64
Тошкент вилоят ДСБ	8-371 150-49-56
Фарғона вилоят ДСБ	8-373 224-35-57
Хоразм вилоят ДСБ	8-362 227-13-67
Тошкент шаҳар ДСБ	8-371 244-54-86

Бу билан сиз жамият олдидаги ўз фуқаролик бурчингизни адо этган ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этишга ҳисса қўшган бўласиз.

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотлар бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, «Солиобод» маҳалласидаги «Ягона қабуллар уйи»да қўшимча ишларни амалга ошириш.

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 97,581 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 81,317 млн. сўм.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-2. Сурхондарё вилоти, Термиз тумани, «Солиобод» маҳалласидаги «Ягона қабуллар уйи»да бажарилмаган иш ҳажмларини якунлаш.

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 270,619 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 225,515 млн. сўм.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 120 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Тел/факс:
(8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх префенциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй,
Телефон/факс:
(8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Машҳурлар маҳалласи

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Янгиариқ маҳалласида 750 дан ортиқ хонадонда тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу маҳалла аҳли тинч-тотув кун кечириши ва ўзаро иноқлиги, қўни-қўшничилик муносабатлари яхши йўлга қўйилганлиги билан бошқаларга ўрнак ҳисобланади.

ЮРТИМ МАДҲИ БЎЛСИН СЎНГГИ САТРИМ ҲАМ...

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Ҳошим Маҳмудов ўзи туғилиб ўсган, ҳозир яшаётган маҳалласи билан ҳақли равишда фахрланади. Бу маҳаллада Ойбек, Саид Аҳмад, Собир Абдулла, Акмал Пўлат каби ёзувчи-шоирлар ва бошқа кўплаб таниқли кишилар яшаб ўтган.

Ҳошим аканинг хонадони шундоқ Ойбекнинг уйи рўпарасида. Саккиз-тўққиз ёшли болакайлигида бу қўшни хонадонга келган буюк сиймоларни кўп кўрган. Катталар кўчада ўйнаб юрган болаларга «мана бу киши фалон ёзувчи» деб кўрсатишга эринмаганлар. Ва албатта, ўша таниқли қаламкашнинг асарини фарзанди ўқиши учун китоб дўконидан сотиб олганлар.

Ҳозир ҳам Ҳошим ака яна бир машҳур маҳалладоши — шоир Миртемир номидаги кўчадан ўтаркан, болалигида ёдлаган, юрагига ўчмас бўлиб ёзилган шеър сатрлари хаёлида айланади. Шунинг баробарида шоирнинг чеҳраси ҳам кўз ўнгида гавдаланади.

— Боқишлари зиёлинамо, юзларидан нур ёғилиб турарди, — хотирлайди Ҳошим ака. — Биз болакайларнинг саломига ҳам табассум билан алик олардилар. Кейин «Фалончининг ўғлисан-а» деб суриштириб қўярдилар. Икки оғиз ширин сўз айтиб ўтиб кетардилар.

Мана шоир яшаган, ўзига ўхшаб камтарона қурилган хонадон олдидамиз. Миртемирнинг ижодхонаси у ҳаётлигида қандай бўлса шундайлигича турибди. Ота ҳовлисида яшаётган кенжа ўғил — Мирза ака бу ердаги ҳар бир буюмни кўз қорачиғидек асрайди. Хонага киришингиз билан мўъжазгина ёзув столи, иккита оромкурсига кўзингиз тушади. Хона тўрида бутун бир деворни эгаллаб, шифтгача қадалган китоб жавонида ўзбек, рус, француз, ҳинд классикларининг машҳур асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналари. Алоҳида иккита жавонда шоирнинг турли йилларда нашр этилган китоблари, тўрт томлик асарлари... Тўғри, йиллар ўтган сайин уларда бўш ўринлар кўзга ташланяпти. Чунки шоирнинг фарзандлари ташриф буюрган дўстлар, мухлисларга бу китоблардан бирини илинадилар. Бу эса Миртемирга хос бўлган, сахийлик, бағрикенглик фарзандлар, набиралар тимсолида бугун ҳам яшаётганини, давом этаётганини кўрсатади.

Миртемирни эъзозлаб, ундан кўрган яхшилигию мададини эслаб, бу хонадонга келувчилар кўп. Улар билан суҳбатлар эса ана шу файзли, ортиқча ҳашамсиз ижодхонада кечади. Гурунгларнинг бош мавзуи, албатта ҳассос шоирнинг ажойиб хислатлари, умр йўлидаги яхши-ёмон кунлари ҳақида бўлади...

...1918 йил. Туркистоннинг эски Иқон қишлоғидан амакиваччасига эргашиб келган, очликдан силласи қуриган Миртемир исмли болакай, аввал интернат... Одамлар эшигидаги хизмат...

Шоирнинг катта ўғли Миржалол ака хотирлайди:

— Эсимни таниганимдан кейин отамнинг бир одати менга жуда қизиқ туюлган. У киши тинмай оёқ кийими харид қилардилар. Бизнинг пойабзалимизни ҳам тез-тез текшириб турардилар — ҳеч жойи тешилмаганми, чоклари бутунми? Бир-икки бор кийган пойафзалини уйимизда яшаётган бирон қариндош талабага берардилар. Уйимиз талабасиз бўлмасди — Иқондан Тошкентга келган ёшлар борки, отамни қора тортиб келаверарди. Улар ўқишга киришга тайёрланишдан тортиб, институтни битириб кетгунча бизникида яшарди. Хуллас, бир куни отамдан шу ҳақда сўрашга журъат этдим. Гарчи у киши анча қаттиққўл, бирон гапимиз бўлса онам орқали етказиш одат тусига кирган бўлса ҳам.

— Ўзимни ўзим эплаш учун болалигимдан ишлаганман, — дедилар отам. — Бировнинг уйида отбоқар бўлганман, бир йили қишда оёқларанг қолганман. Ўша кунлар ёдимга тушса ҳозир ҳам оёқларим совуқ қотгандек бўлаверади.

...Тошкентдаги эрлар билим юрти, кейин Самарқанддаги педакадемияда ўқиш, шоир сифатида танилиши, котиб вазифасида ишлаш — буларнинг ҳеч қайсиси уни бир тунда халқ душмани сифатида олиб кетилиши ва тўрт йиллик қамоқдан асрай олмади. Замон шундай эди — уч-тўрт ғаламис, ҳасадгўй одамларнинг чақуви бир бегуноҳни бир зумда қора қилишга бемалол асос бўла оларди. Лагердаги қийноқлар, машаққатли меҳнатдан кўра ҳам яқинларини йўқотиш оғир бўлди — ёш қизчаси нобуд бўлди, рафиқаси бошқа турмуш қуриб кетди. Энг ёмони — оғир касалликдан сўнг онаси ҳам вафот этди. Унга онасининг қабрига тупроқ тортиш ҳам насиб этмади. Қамоқдан чиққанида ҳатто волидасининг қабрини кўрсатиб беришолмади — уни қўйган кишилар оламдан ўтганди...

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

Дунёнинг ташвишларидан шоир юраги шу қадар зада бўлган эдики, ҳатто газеталарнинг охирги бетидаги таъзияларни қирқиб олиб ташларди. Уйига фақат яхши хабарлар, яхши одамлар кириб келишини истарди.

Санъат декадаларида шоирнинг уйи меҳмонга тўларди. Қардош халқларнинг машҳур қаламкашлари расмий зиёфатлардан кўра Миртемир хонадонидаги дастурхонни, унинг атрофидаги дилкаш гурунгларни устун қўярдилар. Шоир бор-йўғини тўкарди, ҳатто бир сафар машина учун йиғиб қўйган жамғармасини битта зиёфат учун сарфлаб юборган...

Вилоятлардаги бошловчи ижодкорлар устознинг нафақат шоир сифатидаги йўл-йўриқ ва маънавий кўмагидан, балким моддий мададидан ҳам бахраманд бўлганлар.

Миртемирнинг ўзи эса умрининг охиригача ўзини шогирд деб ҳисоблаган. Ҳамма асарларининг мағзини ҳали тўлиқ чақа олганим йўқ деб Алишер Навоийнинг суратига тик боқишга истиҳола қилган. Рабиндранат Тагор фалсафасини жуда ҳурмат қилган, унинг портрети ва Ҳиндистон рамзи — фил ҳайкалчалари доимо шоирнинг ёзув столида турган.

Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов ҳикоя қилади:

— Ойбекнинг танланган асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида икки ҳамкасбим билан бир неча йил давомида деярли адибнинг уйида яшадик ҳисоби. Ҳар куни ишдан сўнг Зарифа опа билан архивни ўрганардик, қўлёзмаларни саралардик. Кўпинча Миртемир оғага дуч келиб қолсак, машинасига миндириб, йўл-йўлакай бизни ҳам ташлаб ўтардилар — икки буюк ижодкор яқин қўшни эди.

Бир сафар машина Ойбекнинг уйи олдига келиб тўхташи билан Миртемир ака бошидан қоракўл телпагини олиб, қўлини кўксига қўйиб, адибнинг уйи томонга таъзим қилдилар ва бизга изоҳ бердилар:

— Бундай улуғларнинг эшиги олдидан ҳам таъзим қилмасдан ўтиб бўлмайди...

Билдикки, бу оғамизнинг доимий одати экан.

Наим ака хотираларини эслар экан, кўзида ёш айланади, овози бўғилади. Хотиралар билан Миртемирнинг ўша пайтдаги ҳолати, кўзлари, сўз оҳанглари ҳам кўз ўнгида гавдаланганидир балки... Балки, ўз оиласи ҳақида ўйлагандир... Наим ака Миртемирнинг аммаваччасининг қизларига уйланган. Меҳмон келганда устознинг уйида хизмат қилиб юрган ёш адабиётшунос олимнинг кўзи шоирнинг жиянига тушиб, юраги «жиз» этади... Устознинг ўзи бу тўйга бош-қош бўлади.

Умуман, қариндошлар қуда-андачиликда Миртемирнинг шоирлик обрўсидан кўп фойдаланишган.

— Тамарахоним ташкил этган мактабда рақс ва балет сирларини ўрганиб, уруш йилларида Галия Измайлова, Дилором Шеровалар билан бир саҳнада рақс тушганман. Болалигимиздаёқ Москвада бўлган фестивалларда иштирок этдик, уруш йилларида эса қишлоқларда концерт қўйиб, фронт учун маблағ йиғдик. Кейинчалик оилани санъатдан устун қўйдим, бирин-кетин етти фарзанд кўрдик, — ҳикоя қилганди шоирнинг синглиси Маҳфуза ая. — Барча болаларимни оёққа турғизишда, ўқитишда акам жуда катта ёрдам берганлар.

Худди шу Маҳфуза аянинг тўнғич ўғлини уйлашда муаммо пайдо бўлади. Холмуроднинг синфдоши Марғубахонга совчи бўлиб боришади. Қизнинг ота-онаси қизларининг ёшлигини, ундан беш-олти ёш каттароқ, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган йигитга узатишларини билдириб, уларни қуруқ қайтаради. Кейинги сафар совчиларга Миртемирнинг ўзи бош бўлиб боради.

Яна рад жавобини беришади. Қизнинг акаси бунинг сабабини узоқдан-узоқ изоҳлайди. Миртемир унинг сўзини бўлмай тинглайди, охирида:

— Кечирасиз, ука, гапингизни тушунмадим, ўнг қулоғим оғирроқ, аммо, гапингизни бўлишга журъат этмадим. Энди ўша гапларингизни чап тарафимда ўтириб айтсангиз...

Бу «дипломатик» ҳазилдан даврада «гурр» кулги кўтарилади. Самимий суҳбатлар анчагача давом этади. Хуллас, совчилар бу сафар қизнинг ота-онасининг розилигини олишади. Ўша келин-куёвлар ҳозир бобо-буви бўлиб қолишган, тоғаларининг совчилигини ботбот эслаб турадилар.

Миртемир машҳур шоирлигини ҳеч қачон ўзи учун пеш қилмаган, фақат бир мартагина... Кечки пайт пиёда уйга қайтаётган шоирнинг йўлини уч нафар йигит тўсибди.

— Мени танидингларми, мен Миртемирман. Одам бўл, ўқи, деб сиз каби ёшларга атаб шеър ёзаман.

Йўлтўсарлар унинг гапига ишонмабдилар, машҳур шоир бўлсанг машинанг қани, нега пиёда юрибсан, дейишибди. Ноилож қолган оға ёнимда пулим йўқ, юринглар, уйда бераман дебди. Қизиқиш устун келиб безорилар унинг айтганига рози бўлиб эргашибдилар. Шоир уйидан олиб чиққан пулига қўшиб озгина маслаҳат ҳам берибди:

— Милиция чақиришим ҳам мумкин эди, аммо бундай қилганим йўқ. Бу ҳунарларингизни ташланглар.

Орадан йиллар ўтиб, басавлат одамларга айланган ўша йигитлар шоирнинг пулини қайтариб олиб келишибди. «Сизнинг ишончингиз, бағрикенглигингиз бизга қаттиқ таъсир қилди, ўша куниёқ ҳунаримиздан воз кечдик, тўғри йўлга тушиб олдик» дейишибди.

...Миртемирнинг ижодхонасида унинг фарзандлари билан суҳбатлашаяпмиз. Гап орасида дастурхон ҳам тузалди. Хонадон бекаси, шоирнинг севимли умр йўлдоши Тўрапошшо онанинг тарбиясини олган келин — Ҳуррият опа меҳмоннавозлик қилиб иззат-ҳурмат кўрсатади.

Гап мавзуи ёшларга тақалади.

— Отам обуна орқали оладиган китобларини почтадан ўзим келтирардим, — ҳикоя қилади Миржалол ака. — Гиде Мопассаннинг «Азизим» асарини ҳали ёшсан деб менга, битирувчи синф ўқувчисига тақиқлаб қўйганлари эсимда. Ҳозирги болалар томоша қилаётган кинолар олдида «Азизим»даги воқеалар — бегуноҳ фариштa.

Бундан кўп йиллар олдин Миртемир ҳам шу хонада ёшларга бағишланган шеърларини қоралаган. Шу хонада ёш шоирларга ўз ўгитларини айтган. Ҳозир эса фарзандлари билан ёшлар тарбияси, маънавияти ҳақида гаплашиб ўтирибмиз. Бугун Миртемир яшаган ушбу машҳур маҳаллада 96-мактаб, учта мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Уларда тарбияланаётган келажак авлод вакиллари ушбу мўъжаз гўша, унинг тарихи ва бугуни билан ҳамиша фахрланишади.

Миржалол аканинг фикрлашида, Мирза аканинг оғир-босиқ сўзларида Миртемирга хос хислатлар кўриниб тургандек худди.

Шоирнинг фарзандлари турли касбларни эгалладилар, ораларида ижодкор йўқ. Аммо, ҳақиқий ижодкорга хос хислат — зиёлилик ҳаммасига юққан. Катта қизлари Доро тупроқшунос, Юлдуз шифокор, Миржалол арабшунос, Мирза ҳиндшунос, Гулнора адабиёт ўқитувчиси, ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз йўлларини топган кишилар.

Гулнора опа Юнусобод туманидаги 247-мактабда ўқитувчи. Яқинда ўқувчиларига «Ёзувчига хат» мавзуида иншо ёзишни топширди. Севимли асарингиз муаллифига хат ёзинг, ёзувчи-шоирга дилингиздаги гапларни айтишдан тортинманг, деди болаларига. Иншоларни текширар экан, икки ўқувчиси отасига мактуб битганини кўриб, тўлқинланиб кетди.

«Ҳурматли Миртемир, — деб ёзибди Нигора исмли қизалоқ. — Сизнинг шеърларингиз бизга онани, Ватанни севишни ўргатди...»

Навбатдаги дарсда ўқувчиларни бир-бирининг иншоси билан таништираётган устозларининг кўзида ёш кўрган зийракроқ болалар бирдан англаб етдилар: Гулнора опаларининг шарифлари Миртемировна-ку! Устозга саволлар ёғилди, Гулнора опанинг кўнгли ғурурга тўлди. Отасининг мероси — шеърлари ҳали ҳам одамларнинг кўнглида яшаяпти, мухлислари тилида янграяпти, демак эл корига яраяпти.

Бу шунчаки фарзанднинг отасидан фахрланиш туйғуси эмас, оддий ҳақиқат. 2001 йил Миртемир Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Келгуси йил халқимизнинг ардоқли фарзанди, бетакрор шоир Миртемир туғилганига 100 йил тўлади.

Эл олдида буюк хизматлар қилган шоир жуда хокисор эди, бир умр халққа эгилиб яшаган эди.

Юрагимни севги чертган илк оқшом,
Илк сатрим тушгандир қоғоз бетига.
Кексалик ҳам секин тўлдирмоқда жом,
Хаёл учар чексиз олам четига.

Майли, шу жомни ҳам ичай паймона,
Кексалик гаштини сурай то бекам.
Шеърларимда жилва қилсин замона,
Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам...

Шоир худди ўзи шеърларида куйлаган мажнунтолга ўхшарди. Қабрига ҳам бир туп мажнунтол экишди. Мажнунтол ҳаётнинг кўп тўфонлари, ёмғир-жалалари, жазирамаю совуғини кўрган бу инсоннни энди асрамоқчидай, унинг қабрига бош эгиб турибди...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



Миртемирнинг ўғиллари Миржалол, Мирза ва набираси Моҳирўй

Спорт

«НЕФТЧИ» ВА «БУНЁДКОР»

ўз мухлисларини қувонтиришда давом этмоқда

Футбол бўйича ОФК кубоги баҳсларининг гуруҳ босқичи ўз ниҳоясига етди. Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари охирги турда Яманда «Ал-Тилол» жамоаси меҳмони бўлди.

Сафарда тўп суришларига қарамай фарғоналиклар рақиблари дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашди.

Қуръага кўра, «Нефтчи» футболчилари мусобақанинг 1/8 финал босқичида Сурияниинг «Ал-Мажид» жамоасига қарши майдонга тушадилар. Бу ўйин 26 май куни Сурияда ўтказилади.

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ҳам гуруҳ баҳсларини ниҳоясига етказди. Охирги турда «қалдирғочлар» ўз майдонларида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабаб» жамоасини қабул қилишди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади — 0:0. Шунга қарамай, ўз ҳисобидаги очколар сонини 8 тага етказиб олган ҳамюртларимиз гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Энди қуръага кўра, «Бунёдкор» футболчилари 27 май куни бўлиб ўтадиган 1/8 финал баҳсида «Персеполис» (Эрон) — «Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони) жамоалари учрашуви ғолибига қарши майдонга чиқишади.

Эркин ХОЛБОБО

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«2-ЖНС босимли қувури 1-тармоғи сиртқи юзасини коррозияга қарши бўёқлаш ишларини бажариш (II босқич)»

Объектнинг бошланғич қиймати: — 129, 664 млн. сўм (ҚҚС билан), — 108,053 млн. сўм (ҚҚСсиз).

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 15 декабргача.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Мустақиллик кўрғони.

Телефон/факс: 72-22-33, 72-28-71

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.
Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй (вилоят кенгашлар уйи биноси), 426-хона.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

F — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 01.30
Topshirilgan vaqti — 02.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda